



## ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ГЕОЛОГИЯ ТИЗИМИ ЯРАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 август куни геология соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги бўйича тақдирот билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга шу йил январь ойидаги Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир нечта йўналишига устувор аҳамият қаратилиб, улар жадал ривожлантирилиши таъкидлаган эди. Жорий йилда геология соҳаси ана шундай йўналишлардан бири этиб белгиланган.

Шу мақсадда Президентнинг 4 та қарори қабул қилинди. Уларнинг ижроси доирасида соҳани модернизация қилиш ва рақамлаштириш, геологик қидирув кўлами ва самарадорлигини оширишга эришилмоқда.

— Ўзбекистонда янги геология тизими яратилмоқда. Уни ривожлантиришдан мақсад — табиий ресурсларни халқимиз манфаатига йўналтириш, иш жойлари ташкил этиб, одамларни бой қилиш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Биринчи навбатда геологик илм-фанни тиклаш ва замонавий кадрлар тайёрлашга замин яратилди. Хусусан, Геология фанлари университети ташкил этилиб, унинг таркибига 4 та илмий-тадқиқот институти бириктирилди.

Замонавий бургилаш ва лаборатория ускуналари олиб келинди. Бунинг натижасида бургилаш унумдорлиги 2019 йилга нисбатан 25 фоиз ошди. Жумладан, рудадаги элементларни аниқлаш кўлами 40 тадан 63 тагача кўпайди.

Йил бошидан буён 150 та янги кон давлат балансига олинди. Олтин, кумуш, уран, мис, молибден ресурслари ва захиралари кўпайди. Жумладан, Бухоро ва Навоий вилоятларидаги Қулжуктов ҳамда Ауминзотов тоғлари худудига 3 та олтин, Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани ҳамда Жиззах вилояти Арнасой туманида 2 та уран кони аниқланди.

Шунингдек, 32 та геология-кон захираси халқаро JORC стандартларига ўтказилди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг 29 йиллигини нишонлаш арасида давлатимиз томонидан олиб борилган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиқи сифатида “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 113 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 5 нафари асосий жазодан озод этилди, 53 нафари

қилшқоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар доирасида 155 минг гектар майдонда тезкор гидрогеологик изланишлар олиб борилди. Сув танқис худудларда суткасига қўшимча 90 минг кубометр таъминлайдиган сув захиралари тасдиқланди.

Тадбирда Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси раисининг ҳисоботи эшитилди. 20 та янги конга онлайн аукционда, очик ва шаффоф тарзда салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этиш жараёнининг бориши кўриб чиқилди.

Соҳадаги ишлар натижадорлигини ошириш, қонунчилик базасини мустаҳкамлаш ҳамда инвестиция салоҳиятини янада кенгайтириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йили геология-қидирув ишларини 2 баробар кенгайтириб, янги истиқболли майдонларни аниқлаш, соҳага замонавий лаборатория техникаларини жорий қилишни жадаллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Геология кўмитасига саноят кооперацияси асосида янги конларни қидириш, топиладиган ресурсларни ўзлаштириш учун хусусий секторга бериш амалиётини янада кенг қўлаш бўйича топшириқ берилди.

Наманган тажрибаси асосида ҳар бир худудда геологик, айниқса, гидрогеологик қидирувлар бўйича доимий экспедициялар ташкил этиш зарурлиги айтилди.

Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларини ўзлаштириш самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқотларни ривожлантириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Мутасаддиларга белгиланган чора-тадбирлар бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҲАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, серқирра ижоди, илмий-инновацион фаолияти билан мамлакатимизнинг илм-фан, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёш авлодни она юртва муҳаббат ва садоқат руҳида ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги самарали хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар билан тақдирлансин:

#### “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Каримова Дилором Маликовна — меҳнат фахрийси, эркин ижодкор  
Собиров Огабек Каримович — Ўзбекистон давлат филармониясининг “Лазги” ашула ва ракс ансамбли бадий раҳбари

#### “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАХШИСИ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Шайдилов Сафар Нормуродович — Қизилқум туманидаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, бахши, Сурхондарё вилояти

#### “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Анназаров Жасвантбек Бахромонович — Тошкент шаҳридаги “TIART” масъулияти чекланган жамияти хайкалтарошлик корхонаси директори, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси

#### “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Асадов Миржамол — Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакорлиги устаси, Самарқанд вилояти

#### “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Абдиқамалов Бахтиёр Абдиразақович — Қорақалпоқ давлат университети физика кафедраси профессори, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримов Баҳодир Нурметович — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили

ва адабиёти университети адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён кафедраси муdiri

Маҳмудова Дилдорхон Йўлдошхон қизи — Қўқон шаҳридаги 9-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Фарғона вилояти

Раҳмонов Содиқжон Мўминович — Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти маҳаббатли рангтасвир кафедраси доценти, рассом

#### “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Акилова Камола Болтабоевна — Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг ўринбосари — Маданий мерос департаменти бошлиғи

Аҳмедов Жаҳонгир Одилжўраевич — “Эзгу-фильм” студияси режиссёри, Тошкент шаҳри Дўстмухамедов Хуршид Набиевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи  
Қодирий Хондамир Ҳабибулла ўғли — Абдулла Қодирий уй-музейи директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

▶ Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ФИДОЙИЛИК КЎРСАТГАН ТИББИЁТ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

#### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Абдуллаев Мурод Бобоҷонович — Олот тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар юкумли касалликлари реанимация бўлими анестезиолог-реаниматолог, Бухоро вилояти  
Исоқулов Тўлқин Уролович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ҳарбий-тиббий бошқармаси бошлиғи  
Кариев Ғайрат Маратович — Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори

#### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизimini ривожлантириш, хусусан, коронавирус пандемияси кенг тарқалишининг олдини олиш, санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ишига ўзининг билим ва салоҳияти, профессионал маҳорати билан муносиб ҳисса қўшгани, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги алоҳида хизматлари, ўз ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйиб, муқаддас шифокорлик бурчини виждонан адо этишдаги жасорати ва фидойилиги учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

Наврўзов Маҳмадали — Республика шозилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали болалар хирургияси бўлими бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Раҳимқулов Худойқул Ҳақимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғи  
Сотволдиева Маҳбуба Насирдиновна — Фарғона туманидаги “Шоҳимардонобод” қишлоқ врачлик пункти муdiri, Фарғона вилояти  
Иноятова Флора Ильясевна — Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази лойиҳа раҳбари

▶ Давоми 3-бетда

## ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси:

### ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БМТ ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАШАББУСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — БУ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎСИБ БОРАЁТГАН ГЛОБАЛ ЕТАКЧИЛИГИНИНГ НАМУНАСИ



1992 йил 26 февралдан бошлаб Ўзбекистон Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Ташкилот ва унинг институтлари билан ҳамкорлик турли даражаларда амалга оширилиб, кўплаб масалалар ва йўналишларни қамраб олиши билан аҳамиятли.

Ўзбекистон ташаббуси билан 1995 йилда Тошкентда ЕХХТнинг Марказий Осиё билан алоқалар бўйича бюроси очилди. 2006 йил июнь ойида эса бюро ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси идорасига айлантирилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигини нишонлаш арасида “Дунё” АА муҳбири ЕХХТ Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Жон МакГрегор билан ўзаро ҳамкорлик ютуқлари ва истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

▶ Давоми 3-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА БОШҚАРУВНИНГ АЛОҲИДА ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда Тошкент вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, туризм салоҳияти юқори бўлган худудларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш орқали туристлар саёҳати учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоятнинг ўзига хос табиий худудларида янги туризм йўналишларини ташкил этиш, туристлар оқимини янада кўпайтириш, замонавий туристик инфратузилмани жадал ривожлантириш таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Яратилган имкониятларга қарамадан Тошкент вилоятида мавжуд туризм салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаган, туристик инфратузилмани ривожлантириш

борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаган, хизмат кўрсатиш соҳасида ривожланган мамлакатлар даражасидан кам бўлмаган салоҳиятга эга бўлсада, бугунги кунга келиб тумани ихтисослаштирилган ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар етарли даражада эмас ҳамда ўз ечимини топмаган бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, туманда маҳаллий бошқарув тизимидаги муаммолар сабабли, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида манзилли ишлар йўлга қўйилмаган;

▶ Давоми 4-бетда

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҶАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

## “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Хайдаров Равшан Акмалович** — футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар (U—23) терма жамоаси бош мураббийи

## “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Аҳмедов Одил Алимжонович** — футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимиз тараққиёти, тинчлиги ва ижтимоий-маънавий барқарорлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоатчилик ишларидаги кўп йиллик самарали иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

## “ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдурашидов Абдулаҳат** — Ўзбек миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли олий тоифали созандаси  
**Азимов Усмоҳкул (Усмон Азим)** — Ўзбек Миллий академик драма театри адабий бўлими мудири

**Ихтиёр Бахтиёр Аҳмедович** — Ўзбекистон давлат сатира театри фахрийси

**Муҳиддин Муслиҳиддин Кутбиддинович** — Самарқанд давлат университетининг мумтоз адабиёт тарихи кафедраси профессори

**Саъдуллаев Лутфулла Убайдуллаевич** — Ўзбекистон давлат сатира театри фахрийси  
**Эгамназаров Алиназар Имомназарович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, публицист

## “ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдураҳмонов Қаҳҳор Фаттоҳович** — Тошкент ахборот технологиялари университети физика кафедраси профессори

**Аъзамов Эркин Норматович (Эркин Аъзам)** — “Тафаккур” журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи  
**Мирзаев Тўра** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими, академик

## “МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

**Аҳмедов Сирожиддин Убайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қатагон қўрбонлари хотираси давлат музейи экспозиция бўлими бошлиғи

**Бафоев Мустафо** — Ўзбекистон давлат консерваторияси бастакорлиги ва чоғулаштириш кафедраси профессори

**Дониёров Салим Мусурмонович** — “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти бош муҳаррири

**Исломов Дилмурод Мухтович** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти чоғу ижрочилиги кафедраси профессори

**Қосимов Баҳодир Уринбоевич** — “Миллий” телеканали кино ва дубляж бўлими бошлиғи

**Қосимов Ҳайдарали Саидалиевич** — Мўқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри бош режиссёри

**Қўқоров Шер Матқубович** — Янгиариқ туманидаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Хоразм вилояти

**Муллабоев Тоир Собирович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Yoshlar” телерадиоканали акциядорлик жамияти қошидаги “Bo'laJoy” телеканали муҳаррири

**Мухамедова Мапура Насриддинова** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фахрийси

**Пидаяев Шокиржон Расулевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директори

**Раззоқова Муъассар Қодировна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси мудири

**Раметова Саида Ҳожиёвна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актриси

**Раҳимбоева Қўтлибека** — “Саодат” журнали бўлими мудири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Рўзимбоев Сапарбой** — Урганч давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, Хоразм вилояти

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич** — Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

**Саъдуллаев Азимбой** — Ўзбекистон Миллий университети профессори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

**Сапаева Мирзагул Жуманазаровна** — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театри вокал артисти

**Султонов Жалил Жалолович** — меҳнат фахрийси, японшунос

**Тошматов Маъмуржон Ганиевич** — Ўзбекистон давлат филармонияси Б.Зокиров номидаги эстрада-симфоник оркестри бадий раҳбари

**Тешабоева Умида Алимжоновна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори

**Умиров Саиди** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика кафедраси доценти

**Уразимбетов Низаматдин Тахитдинович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Respublika teleradiomarkazi” давлат унитар корхонаси Нукус филиали телерадиомаркази олий тоифали телеоператори

**Ҳасанов Аҳаджон Аҳмеджонович** — Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ислом тарихи ва манбашунослик кафедраси профессори

**Ёқубов Ғулумжон Тошпўлатович** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

## “ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдураҳмонов Қаландар** — Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

**Алижонов Соҳибжон Назиржонович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази” давлат муассасаси директори

**Ахетова Алина Шаниязовна** — Қорақалпоғистон Республикаси кузи оқизлар кутубхонаси директори

**Аҳмедшаев Аҳмаджон Шоякулович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг Давлат геология музейи директори

**Аҳметжанов Фарит Рашитович** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюмаси аъзоси, ҳайкалтарош

**Баҳодиржонов Мухамед Кабир** — Тошкент давлат техника университети профессори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

**Бородин Марина Ростиславовна** — Тошкент архитектура қурилиш институти интерьер ва ландшафт дизайни кафедраси профессори

**Глубокина Наталья Леонидовна** — Ўзбекистон давлат мусикали комедия (оперетта) театри бош расмони

**Дадаев Аҳмаджон Шокаримович** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг миллий қўшқичлик кафедраси доценти

**Жумаев Бўриқул Урокович** — Бойсун тумани “Даштиғоз” маданият маркази қошидаги ҳаваскорлик жамоаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик

**Ильин Николай Дмитриевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бош мутахассиси, шоир

**Исмолов Холмурод Мухтович** — Республика “Баркамол авлод” болалар ижодиёти маркази доираничлар тўғраги ўқитувчиси

**Исмолов Элмурод Мухтович** — Республика “Баркамол авлод” болалар ижодиёти маркази доираничлар тўғраги раҳбари

**Камолов Бадриддин Садриддинович** — Кексалар, ноғиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари “Нуронийлар” санаторийси директори

**Каштанова Любовь Иосифовна** — Юнусобод туманидаги 97-умумий ўрта таълим мактаби математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Қаюмов Козим Обидович** — Ўзбекистон давлат консерваторияси муסיкий театр-студияси олий тоифали саҳна устаси

**Қодиров Баян** — Урганч тумани маданият бўлими қошидаги мақом тўғраги раҳбари, Самарқанд вилояти

**Қосимов Жаҳонгир Мирсобитович** — “Ўзбекфильм” киностудияси режиссёри

**Муродов Маҳмуджон Мўминович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори

**Мусин Роман Салихович** — Ўзбекистон давлат академик рус драма театри саҳна машинисти

**Надинова Елена Фаритовна** — Тошкент давлат хореография академияси хореография коллежи махсус фан ўқитувчиси

**Надинова Айгуль Базарбаевна** — Нукус давлат педагогика институти муסיкий таълим кафедраси катта ўқитувчиси

**Носиров Элёр Расулевич** — Ўзбекистон давлат драма театри актриси

**Раззоқова Кумуш Қодировна** — меҳнат фахрийси, эстрада хонандаси

**Рисқиев Рифат Асадович** — фахрий спортчи

**Собиров Равшан Зоирович** — Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтининг директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

**Сафаров Орол Абдуманнонович** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти миллий қўшқичлик кафедраси доценти

**Собиров Кимсанбой Набиевич** — Маргилон шаҳар муסיқали мақом театри олий тоифали драма артисти, Фарғона вилояти

**Тўхтаев Тўхтамиш Давлатович** — “Овози тожик” газетаси таҳририяти бўлими муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Ҳолиқуллова Гузал Эркиновна** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори

**Ҳасанов Ҳамидулла** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати кафедраси ўқитувчиси

**Ҳасанова Сайёра Салаевна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Хоразм вилояти телерадиокомпанияси “Воҳа” тезкор ахборот гуруҳи катта муҳаррири

**Ҳамдамов Бобомурод** — меҳнат фахрийси, хонанда

**Ҳамроқулов Нуриддин** — меҳнат фахрийси, хонанда

**Чилин Владимир Иванович** — Ўзбекистон Миллий университети алгебра ва функционал анализ кафедраси профессори

**Шарипова Раъно Бойзаевна** — меҳнат фахрийси, хонанда

**Эргашева Юлдаз Алимовна** — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири

**Эрматов Хусан Тоҳирович** — “Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари бош муҳаррири

**Югай Лев Павлович** — Миллий тадқиқот технология университети Олмалик филиали математика ва умумий касбий фанлар кафедраси мудири

**Юлдошев Маҳаммаджон Усубжонович** — Ўзбекистон давлат филармонияси ўзбек миллий мумтоз ашула ансамбли хонандаси

## “СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” МЕДАЛИ БИЛАН

**Ғазиев Баҳромжон Валиевич** — Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси раиси

**Илёсов Васил Ғайбуллаевич** — “Жиззах ҳақиқати” — “Дижакская правда” газеталари таҳририяти бўлими муҳаррири

**Маткаримов Салимжон Ибодуллович** — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази республика телерадиоэшиттиришлари мониторинги бўлими бошлиғи

**Мирзаев Абдуразақ Умрзақович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Навоий бўлими раиси

**Мирзаев Манучеҳр Бобораҳимович** — Самарқанд вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари

**Раҳимжонов Ифтихор Тўхтамуродович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонаси режиссёри

**Тўхташев Жамолддин Қурбоневич** — “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари

**Усмонова Назокат Шавкатовна** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сиёсат ва аниқлаш таҳририяти бўлими мудири

**Холлиева Дилбар Каримбоевна** — “SHARQ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси муқоваловчиси

**Шукуров Саидахмад Холдоревич** — “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталари таҳририяти бош муҳаррири

## “СОҒЛОМ ТУРМУШ” МЕДАЛИ БИЛАН

**Арслонов Нажиб Гадиевич** — Спорт яккакурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби бокс бўлими мураббийи

**Бабалиева Гулчехра Рўзиевна** — Узун туманидаги 5-давлат мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сурхондарё вилояти

**Бойназарова Зухра Муқомжоновна** — Сайхунбод туманидаги 9-давлат мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

**Бойдадаев Абдуҷаббор Абдусатторович** — Учқўрғон тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори ўринбосари, Наманган вилояти

**Ғозиев Абдулла Убайдуллаевич** — “Шифокор ва ҳаёт” газетаси таҳририяти муҳаррири, Наманган вилояти

**Жаксимуратов Мухаммед Раметуллаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси спортнинг яккакураш турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби катта йўриқчи-ўқитувчиси

**Жуманиёзова Гулнора Эркиновна** — Навоий шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

**Исакова Зухра Конисбаевна** — Қорақалпоғистон болалар ва ўсмирларининг “Жеткиншек” газетаси бўлими мудири

**Кеунимжаева Тўхтагул Кудайназаровна** — Қораўзақ туманидаги 2-давлат мактабгача таълим муассасаси методисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ли Людмила Рудольфовна** — Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби спорт гимнастикаси бўйича мураббий-ўқитувчиси

**Мамаюсупова Гулнора Умаржоновна** — Учтепа туманидаги 228-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари

**Нурматова Шоҳистахон Мухаммаджоновна** — Андижон шаҳридаги Мухаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб директори, Андижон вилояти

**Пахомов Владимир Юрьевич** — Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби академик эшак эшиш бўйича катта мураббий-ўқитувчиси

**Соибова Ирода Бахтиёрвна** — Яшнобод туманидаги 307-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Туганова Барно Асроровна** — Пайариқ туманидаги “Манзурабону” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Самарқанд вилояти

**Ҳужаева Дилдорхон Нурматовна** — Наманган вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаби халқ рақси бўлими мудири

**Шодиметова Фароғат Бўроновна** — Тошкент шаҳри “Янгибод” ва “Камолон дарвоза” маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги “Эъзоли спортчи аёллар” гуруҳи раҳбари

**Шамшиддинов Исроилжон Турғуневич** — Наманган муҳандислик-қурилиш институти кимёвий ва озиқ-овқат технологиялари кафедраси профессори

**Юлдашева Феруза Эламасовна** — Оҳангарон шаҳридаги 7-имконияти чекланган болалар ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаби логопеди, Тошкент вилояти

**Якубова Марина Владимировна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Spot” телерадиоканали давлат унитар корхонаси “Болалар спортчи, оммавий спорт ва халқ уйинлари” бош муҳарририяти бўлими мудири

## “ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

**Авазова Маъмура Эркиновна** — Тошкент шаҳар марказий маданият уйи қошидаги “Нодирбағим” фольклор-этнографик ансамбли раҳбари

**Акимов Едилбай Курбанбаевич** — Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими қошидаги “Муҳаллес” дуторчилар ансамбли бахши-созандаси

**Аппазова Ленера Имановна** — Чирчиқ шаҳридаги 15-болалар мусика ва санъат мактаби хор ва эстрада хонандалиги синфи ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Арипова Умида Жангировна** — Сергели туманидаги 329-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Артиков Бахтиёр Абдимуратович** — Шўрчи туманидаги 7-болалар мусика ва санъат мактаби бахшичилик синфи ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Асроров Ўткир Қудратович** — Камолддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти хайкалтарошлик кафедраси ўқитувчиси

**Бобожонов Улуғбек Салаевич** — “Хоразм” мақом ансамбли хонандаси, Хоразм вилояти

**Бозоров Зиддулло Назарович** — Сурхондарё вилояти мусикали драма театри бош дирижёри

**Валиҳўжаев Ибрагим Муталлиевич** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**Генжебекова Насиба Шариевна** — Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театри актриси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Давлатов Олим Давлатович** — “Тамаддун” наشريёти директори, адабиётшунос, Тошкент шаҳри

**Давлатова Норбиби Шокировна** — Нурота тумани маданият бўлими қошидаги “Нуржаҳон” фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳбари, Навоий вилояти

**Жалолов Наби Сотқинович** — Ғафур Ғуллом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Заводинов Нарзулла Ҳамроқулович** — Фаллаорол туманидаги 15-болалар мусика ва санъат мактаби ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Ибрагимов Сағимбай** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, Қорақалпоғистон Республикаси

**Исоқов Саидакмалхон Бўстонбек ўғли** — Фарғона вилояти “Рухсор ТВ” телеканали телеоператори

**Исломова Лобар Икромовна** — “Anhor.uz” веб-сайти бош муҳаррири

**Калбаев Махсат Галиевич** — Томди туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби тўғарак раҳбари, жиғир, Навоий вилояти

**Қодирова Дилфуза Исмоиловна** — Наманган вилояти мусикали драма театри вокал артисти

**Қурбонов Ғолибназар Исомиддинович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканали “Тахлилнома” ахборот-та

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КОРОНАВИРУС  
ПАНДЕМИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ФИДОЙИЛИК КЎРСАТГАН ТИББИЁТ  
СОҲАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

**Эргашова Мухтасархон Йўлдошевна** — Балякчи тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Андижон вилояти  
**Сагиров Анвар Мидхатович** — Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиали директори

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ҳожибоев Абдуҳаким** — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Жумаев Бахтиёр Шернович** — Ангор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаси инфекционисти, Сурхондарё вилояти

I ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Бекназаров Жуманазар Бекназарович** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти урология бўлими профессори  
**Раҳматуллаев Маҳмуд** — Кармана туманидаги 1-қишлоқ врачлик пункти мудири, Навоий вилояти  
**Тўраев Намоз Абдусаматович** — Сурхондарё вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош шифокори ўринбосари

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Бобоева Замира Қаюмовна** — Навоий вилояти болалар юқумли касалликлари шифохонаси бош ҳамшираси  
**Каримова Раҳбар Нурматовна** — Жиззах вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази педиатр шифокори  
**Маҳмудова Маҳбуба Омоновна** — Шайхонтоҳур туманидаги 40-оилавий поликлиникаси болалар невропатолог, Тошкент шаҳри  
**Саломов Улуғбек Иноятчи** — Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази реанимация бўлими мудири  
**Холбоева Турсун Омондуллаевна** — Сирдарё вилояти Болалар уйи бош шифокори

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Аграновский Марк Лейзерович** — Андижон давлат тиббиёт институти психиатрия ва наркология кафедраси мудири  
**Аҳмедиев Маҳмуд Мансурович** — Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази болалар бўлими мудири  
**Каримжонов Вазир Холматовна** — Вирусология илмий-тектириш институти клиник биокимё диагностика лабораторияси мудири

I ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдужаббаров Холмўмин** — Ғаллаорол тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими инфекционисти, Жиззах вилояти

**Абдуразоқов Алижон Ғаниевич** — Учкўприк туманидаги «Меҳригёё» хусусий корхонаси агрономи, Фарғона вилояти  
**Абдурайимов Баҳодир Турсунович** — «Chortoq resort» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти  
**Абдурахмонов Комил Ҳамроқулович** — Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонаси бўлим мудири  
**Борисова Елена Михайловна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуңчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси раиси  
**Жиянбоев Отабек Эшдавлатович** — Чилонзор туманидаги «Magnum Medikal Servis» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Мамаараҳимов Ҳабибулла Мухторович** — Избоскан туманидаги «Доктор Ҳабибулло шифо нур» хусусий шифохонаси бош шифокори, Андижон вилояти  
**Муҳиддинова Миннигул Асқаровна** — Жиззах вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош шифокорининг биринчи ўринбосари  
**Назиров Феруз Ғафурович** — «Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» давлат унитар корхонаси директори  
**Обидов Қобулжон Орифович** — Марҳамат туманидаги «Орифжон шифо маскани» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти  
**Рўзимухамедов Нурулла Суннатуллаевич** — Олмасор туманидаги «New Life Medical» хорижий корхонаси таъсисчиси, Тошкент шаҳри  
**Сирождидинов Комилжон Бобоҷонович** — Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Фарғона вилояти

**Убайдуллаев Ўрозбек** — Жиззах вилоятидаги «Истиклол» болалар оромгоҳи директори  
**Усмонов Ҳошим Ҳамидович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали бошлиғи

II ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаев Омондулла Убайдович** — Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази анестезиолог-реаниматолог  
**Абдуллаева Шоҳиста Эргашевна** — Наманган вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази эпидемиологик мониторинг ва профилактика тадбирларни ташкил этиш бўлими мудири  
**Абдухалилова Гулнара Қудратуллаевна** — Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тектириш институти лойиҳа раҳбари  
**Акбарова Фарида Шораҳимовна** — Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси тасарруфидати «Бўстон санаторийси» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти  
**Алпаназаров Сайфулла Сўяркулович** — Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси инфекционисти  
**Бўтаева Дилбархон Аҳмадовна** — Мингбулоқ тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими шифокори, Наманган вилояти  
**Долимова Дилбар Акбаровна** — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурдаги Илғор технологиялар маркази биотехнология лабораторияси мудири

**Душамова Меҳрибон Шавратовна** — Хоразм вилояти эндокринология диспансери бош шифокори

**Жалилов Адҳам Қаҳрамонович** — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали кардиохирургия бўлими мудири, Қашқадарё вилояти  
**Исмоилова Гулнара Аҳмедовна** — Самарқанд шаҳридаги «Дардгир-шифо» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти  
**Исмоилова Адолат Абдурахимовна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институти лаборатория мудири  
**Қобилова Шаҳодат Бобомуродовна** — Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари  
**Қаландарова Лола Нуруллаевна** — Тошкент шаҳар фтизиатрия ва пульмонология маркази директори  
**Каримова Наргиз Қуддусовна** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлими бош шифокори

**Мадаминов Маърифжон** — Республика ўлат профилактикаси маркази вабо эпидемиологияси ва бактериологияси лабораторияси мудири  
**Мамадиёров Абдибулло Мейлиевич** — Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бош шифокорининг ўринбосари  
**Мейлиев Қаҳрамон Эргашович** — Миришкор тумани тиббиёт бирлашмаси Жейнов шифохонаси бош шифокори, Қашқадарё вилояти  
**Миронцев Ольга Артемовна** — Қорақалпоғистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази вирусология лабораторияси мудири  
**Нуруллаев Қурбонназар Аминевич** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияси даволаш-профилактика ёрдам кўрсатиш хизмати бош шифокори

**Олтиев Усмон Бебитович** — Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази анестезиология ва реанимация бўлими мудири  
**Пирназаров Маъруф Маҳмуджонович** — Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи

**Султонова Муҳаббат Муйдиновна** — Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонаси шифокори  
**Тўраев Аҳмад Мусурович** — Деҳқонobod тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими мудири, Қашқадарё вилояти  
**Убайдуллаев Ваҳобиддин Ҳошимович** — Фарғона вилояти перинатал маркази реанимация бўлими мудири

**Умаров Шухрат Жумадуллаевич** — Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази лаборатория мудири  
**Ҳужаев Бозор Озодович** — Шахрисабз тумани юқумли касалликлар шифохонаси реаниматолог шифокори, Қашқадарё вилояти  
**Ҳожимухамедова Раъно Абдуллаевна** — Олмасор туманидаги «Ғунча Мед сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри  
**Худойберганов Раматилло Каримович** — Хонқа тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими мудири, Хоразм вилояти  
**Шарипов Равшан Оллаёрович** — Тошкент тиббиёт академияси анестезиология ва реаниматология кафедраси катта ўқитувчиси

**Юлдошев Абдувоҳид Абдурашидович** — Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали тез тиббий ёрдам бўлими шифокори

**Юлдошев Сафарбой Ражабович** — Тупроққалъа тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими шифокори, Хоразм вилояти

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Ризаев Камол Саидкабарович** — Тошкент давлат фармацевтика институти ректори

«СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдурахмонов Абубакир Аҳмедович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бош санитария шифокори  
**Арабова Салима Бозоровна** — Қизилор тумани тиббиёт бирлашмаси диагностика бўлими ултраовуш текшируви шифокори, Сурхондарё вилояти

**Байбурина Гўзал Салаватовна** — Марказий ҳарбий клиник госпитали анестезиология ва реанимация бўлими фельдшер-катта тиббиёт ҳамшираси

**Байзахова Рая Косиғуловна** — Томди туманидаги «Керегетау» қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси, Навоий вилояти

**Дилов Элбек Шукруллаевич** — Бухоро вилояти наркология диспансери реабилитация бўлими нарколог-шифокори

**Ибодуллаева Наргиз Сапиевна** — Вирусология илмий-тектириш институти катта илмий ходими  
**Исматова Раъно Аҳадовна** — Бухоро давлат тиббиёт институти академик лицейи директори  
**Каримбердиев Бахриддин Исматиллаевич** — Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси бош шифокорининг жарроҳлик ишлари бўйича ўринбосари

**Мамадалиев Жўракул** — Жануби-Ғарбий маҳсус ҳарбий округи Қарши ҳарбий госпитали жарроҳлик бўлими шифокори

**Пирова Феруза Болтаевна** — Бухоро вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази вирусология лабораторияси мудири

**Раҳмонова Гўзалхон Садбаровна** — Наманган шаҳри Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази санитария-бактериология бўлими лаборанти, Наманган вилояти

**Тожибоев Фарҳоджон Маҳмудович** — Пахтаобод тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими мудири, Андижон вилояти

**Эсамуратов Равшанбек Ибрагимович** — Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази анестезиология-реанимация бўлими шифокори

**Эшонқулова Ҳилола Абдусаломовна** — Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази сунъий буйрак бўлими катта тиббий ҳамшираси

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 27 август

III. МИРЗИЁЕВ

ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси:  
ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БМТ ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ  
ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАШАББУСИНИ  
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — БУ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎСИБ БОРАЁТГАН  
ГЛОБАЛ ЕТАКЧИЛИГИНИНГ НАМУНАСИ

Бошланиши 1-бетда

— МакГрегор жаноблари, суҳбатимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигини нишонлаш арафасида бўлиб ўтмоқда. Бу ўзаро ҳамкорликдаги фаолият сарҳисоби учун ҳам қўлай фурсатдир. Айтинг-чи, сўнги йилларда Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасида ҳамкорликнинг қайси соҳаларида муҳим натижаларга эришилмоқда?

— Сўнги бир неча йилда ЕХХТ билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар, хусусан, 2019 йилда Тошкент ва Самарқандга амалга оширилган юқори даражадаги ташрифлар самарасида тарихий жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

ЕХХТнинг амалдаги раиси бошчилик қилган делегация таркибига Бош котиб ва ташкилотга аъзо давлатларнинг 20 нафар элчиси кирганини алоҳида қайд этишни истардим.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳукуматининг юқори мартабали вакиллари мамлакатни ЕХХТ органларида, шу жумладан, Парламент ассамблеяси, Вазирлар

кенгаши ва Доимий кенгашда мамлакатни муносиб тақдим этмоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, Шерзод Асадов Венада Ўзбекистоннинг ЕХХТдаги элчиси ва доимий вакили сифатидаги хизматининг сўнги йилида ЕХХТнинг иқтисодий ва экологик кўмитаси раисидек обрўли лавозимга тайинланган эди.

Узаро муносабатлардаги ижобий жиҳатлар Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан давлат ва жамоат бошқарувининг, жумладан, адлия тизимидаги ислохотлар, коррупция ва трансмиллий таҳдидларга қарши кураш, гиёҳвандлик моддалари савдоси, одам савдоси, янги сайлов кодексини ишлаб чиқиш каби кўплаб соҳаларида самарали ҳамкорлик ва қўшма ишларни йўлга қўйишда қўлай платформага айланди.

— Бугун Ўзбекистонда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Улар ЕХХТнинг умумий устувор йўналишлари сифатида белгиланган макссадлар ва тамойилларга мос келади. Бундан ташқари, ЕХХТ Ўзбекистоннинг хавфсизлик сўёсатини амалга оширишда, қонун

устуворлигини, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини таъминлашда ва бошқа соҳаларда иштирок этмоқда. Ушбу соҳаларда республиканинг саъй-ҳаракатлари ва ютуқларини қандай баҳолайсиз?

— Баъзан ортага назар солиб, эришилган ютуқларни тарихий нуқтаи назардан баҳолаш мен учун ёқимли. Сўнги йилларда республика ҳаётининг барча жабҳаларида қатор ютуқларга эришилди. Бу, шубҳасиз, ижобий силжишни намойиш этадиган иқтисодий кўрсаткичларидир. Жаҳон банкнинг сўнги прогнозлариға қўра, пандемияға қарамай, ЕХХТға аъзо барча давлатлар орасида фақат Ўзбекистонда 2020 йилда ялпи ички маъсупол хажми ўсиши кутилмоқда. Ушбу кўрсаткич барқарор иқтисодий ривожланишға ёрдам берадиган барча омиллар бўйича эришилган ютуқларнинг аjoyиб намунасиدير.

Хорижий инвесторлар капитал кўйилмалар режасини ишлаб чиқишда ва тўғридан-тўғри сармоя қиритишда кўп жиҳатларға, хусусан, қонун устуворлиғи, адолат тизими ва сўз эркинлиғига

эътибор қаратади. Мазкур йўналишларда Ўзбекистон катта ютуқларға эришди. Иқтисодийёта, давлат бошқарувида ва, умуман, жамиятда хотин-қизлар ва ёшлар роли ортиб бормоқда. Масалан, сўнги чакириқ Олий Мажлиса сайланган хотин-қизлар сони 36 фозиси ташкил этди, бу дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқори. Ёшлар эса 6 фозиси ташкил этди, бу ўртача глобал кўрсаткичдан уч баравар кўпдир.

Яқинда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд онлайн форуми бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бу Ўзбекистоннинг глобал етакчилиғи ўсиб бораётганиға яна бир мисол. "Виртуал қабулхона" механизми орқали онлайн мурожаат ва аризалар топшириш имконияти, шунингдек, Халқ қабулхоналари фаолиятининг йўлга қўйилиши Ўзбекистон ташаббусларини бутун дунёда энг яхши амалиёт намунаси сифатида намойиш этмоқда.

Албатта, Ҳаракатлар стратегиясида ЕХХТ мажбуриятларига мувофиқ

қўшимча эътибор ва ислохотларни давом эттиришни талаб қиладиган кўплаб соҳалар мавжуд. Аммо тарихий шароитда ўтган тўрт йил давомида эришилган ютуқлар ЕХХТға аъзо давлатлар орасидаги ноёб натижадир. Тузилманинг Ўзбекистондаги лойиҳалари ходимлари ушбу дастурий ҳужжатда келтирилган ислохотларни ривожлантиришда ўз хиссаларини қўйиш имкони яратилганидан мамнун.

— Сиз бир неча йилдан буюн Ўзбекистонда ишлаяпсиз. Ушбу вақт давомида мамлакатимизнинг деярли барча худудларида бўлдингиз, одамлар билан ўзбек тилида мулоқот қилиб, урф-одатларимиз билан яқиндан танишдингиз. Шу ўринда Ўзбекистон, янги Ўзбекистон ҳақидаги фикрларингиз биз учун қизиқарли.

— Ўзбекистонда яшаш ва саёхат қилиш мен учун катта шараф. ЕХХТнинг Ўзбекистондаги вакили сифатида ишимни иложи борича самарали бажариш учун мамлакатингизда ЕХХТнинг юқори даражадаги вакили сифатида

одамлар билан яқин мулоқот қилиш, тарих, маданият, урф-одатлар, ошхона ва тили яхши билишим заруригини англайман. Шахсан мен учун бу ерда фаолият юртиш ва яшаш қўлай ва ёқимли бўлмоқда. Меннинг мамлакат ҳақидаги тўлақонли фикрим, умумий гоём ва тушунчам бу ерда ўз юртимдагидек қўлай яшашға имкон бермоқда. Саёхатларим ва мулоқотларим давомида мен ўзим учун оила ва яхши кўшничиликни ўзи учун қадрият билган меҳмондўст Ўзбекистон халқини кашф этдим. Одамларнинг улкан интеллектуал салоҳияти мамлакатнинг бой илмий ва маънавий мероси билан бевосита боғлиқ. Бу замин тарихини чуқур ўрганганим сари Галилейдан кўра илмий изланишлари устунликка эга ҳукмдор, олим ва астроном буюк Улуғбекка бўлган ҳурматим шунча ортиб борди. Ушбу қудратли илмий асос Ўзбекистонға замонамизнинг турли соҳаларида жаҳонда етакчилики намойиш этиш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

— Мустақиллик кўни муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табрикларингиз.

— Шу кунларда Ўзбекистон халқи билан биргаликда муҳим сана — мамлакат мустақиллигининг 29 йиллигини нишонлаш бахтиға муяссар бўлмоқдаман.

Барчангизға тинчлик, фаровонлик ва соғлиқ илинки, фарзандларимиз, набираларимиз — ёш баркамол авлодға умид тўла порлоқ келажак қолдиришимизға тилакдошман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА БОШҚАРУВНИНГ АЛОҲИДА ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланғичи 1-бетда

Иккинчидан, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, шу жумладан, йўл, ичимлик ва оқова сув тизими, электр тармоғи инфратузилмалари эскирган ва талаб даражасида эмас, ахборот-телекоммуникация тармоқлари етарли даражада ташкил этилмаган;

Учинчидан, туманининг бош режаси, батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш якунига етказилмаганлиги сабабли ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш борасидаги ишлар талаб даражасида амалга оширилмаган;

Тўртинчидан, туманининг асосий қисми дам олиш рекреацион ҳудуд бўлишига қарамастан, чиқиндиларни қайта ишлаш, атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳолати қониқарсиз даражада келиб қолган.

Бўстонлиқ туманининг маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш, тумани комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳудудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилма билан таъминлаш, кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона, транспорт ва бошқа хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳамда шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини кўпайтириш, турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида:

1. Бўстонлиқ туманининг туристик йўналишдаги рақобатдош устуликларидан самарали фойдаланиш, ҳудуднинг ихтисослашувини аниқ белгилаш, туристик, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш учун 2022 йил 31 декабрга қадар Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида алоҳида маъмурий-бошқарув тизими жорий қилинсин.

2. Белгилансинки, алоҳида маъмурий-бошқарув тизими доирасида:

а) Бош вазир ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси бир вақтнинг ўзида “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси (кейинги ўринларда — Дирекция) директори лавозимини эгаллайди, шунингдек, Бўстонлиқ тумани (кейинги ўринларда — туман) ҳокимлиги фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Бунда, Бош вазир ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси:

туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, давлат бошқаруви органларининг туман бўлинмалари раҳбарларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича таклиф киритади;

туман ҳокимлиги бошқарув аппарати ва давлат бошқаруви органлари туман бўлинмаларининг тузилмаларига ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва тошпирикларини туманда масъул ташкилотлар томонидан ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини назорат қилади, шунингдек, камчиликларга йўл қўйган масъул ташкилотлар раҳбарларига нисбатан лавозимидан озод этишга ҳақ бўлган чоралар кўриш бўйича таклиф киритади;

б) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат асосида туманда жойлашган аҳолининг дам олиш ва саломатлигини тиклаш билан боғлиқ давлат мулкӣ объектӣ бўлган дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар ва бошқа объектлар, шунингдек, туристик инфратузилмани яратиш имконияти бўлган ер участкаларини Дирекцияга кейинчалик самарали фойдаланиш ва (ёки) реализация қилиш учун ўтказилади;

в) “Чорвоқ” эркин туристик зонаси (кейинги ўринларда — эркин туристик зона) ҳудудида жойлашган ҳамда ушбу банднинг “б” кичик бандига асосан Дирекцияга ўтказилган давлат мулкӣ объектлари ва ер участкаларини реализация қилиш Дирекциянинг қарорига асосан электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилади;

г) эркин туристик зона ҳудудида жойлашган ер участкалари ер фондини бир тоифадан бошқасига ўзгартириш, уни туристик инфратузилмани ривожлантириш учун ажратиш эркин туристик зона Маъмурий кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади. Бунда, ер участкалари эгаларига Тошкент вилоятининг бошқа ҳудудларидан фаолият турига мос ер участкаси ва етказилган зарарни қоплаш назарда тутиллади;

д) туманда жойлашган қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини юритиш учун электрон онлайн аукцион орқали сотувга қўйиш Дирекция қарорига мувофиқ амалга оширилади;

е) эркин туристик зона ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкасини сотиб олган инвесторларга ер участкасига бўлган эгаллик ҳўқуқлари истисно тариқасида Тошкент вилояти ҳўкимининг алоҳида қарори қабул қилинмасдан расмийлаштирилади;

ж) туманда (эркин туристик зона ҳудудида жойлашган ер участкалари бундан мустасно), шу жумладан, ўрмон фонди ерларида ер участкаларини ажратиш, кўчмас мулкни бузиш, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани куриш билан боғлиқ қарорлар Дирекция билан маъбурий тарзда келишилади;

з) туман ҳўқими тўғридан-тўғри Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди, туман прокуратураси, ички ишлар ва солиқ бўлинмаларининг раҳбарлари эса мақоми, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича тегишлича ушбу давлат органларининг республика даражасидаги раҳбарлари ўринбосарларига тенглаштирилади;

и) барча давлат бошқаруви органларининг республика даражасидаги раҳбар (ўринбосар)ларидан бири бир вақтнинг ўзида уларнинг тумандаги тегишлича ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун бириктирилади;

к) Дирекция директорига қуйидаги ваколатлар берилди:

хорижий инвесторлар, халқаро молия институтлари билан инвестиция, кредит, молиявий ёрдам ва грантлар жалб этиш бўйича келишувлар (меморандум, шартномалар) тузиш;

туманда жойлашган ер участкалари ва давлат мулкӣ объектларини реализация қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

ҳудудда жойлашган давлат мулкӣ объектларини гаровга қўйиш орқали кредитлар олиш ва жалб қилиш;

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш доирасида нуфузли консалтинг компаниялари, ҳудудда барпо этилаётган йирик объектларни лойиҳалаш ва қурилиш ишларига нуфузли хорижий лойиҳа ва пудрат компаниялар ҳамда малакали экспертларни жалб қилиш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида эркин туристик зона ҳудудида яшил зоналарни ташкил қилиш, айрим ҳудудларда эса табиатга зарар келтирадиган ҳўжалиқ фаолиятини, шу жумладан, чорвачилик, деҳқончилик, янги sanoat ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш тақиқланган зоналарни белгилаш;

аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган айрим давлат хизматларини аутсорсинг тизими асосида ташкил этиш;

аҳолининг дам олиш ва саломатлигини тиклаш билан боғлиқ давлат мулкӣ объектлари бўлган дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар ва бошқа объектларни ишончли бошқарув шартномаси асосида бошқарув компанияларига бериш.

3. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурда юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тоғли ва олис ҳудудларда туристик инфратузилмани ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

а) Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар хисобидан шакллантирилади:

туманининг туристик инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан биринчи босқичда ажратиладиган 20 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит. Бунда, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан иккинчи босқичда кредит ажратилиши мазкур Фармон билан белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилган ва аниқ натижаларга эришилгандан сўнг амалга оширилади;

туман ҳудудида жойлашган давлат мулкӣ объектлари ҳамда ер участкаларини реализация қилишдан тушадиган маблағлар (савдога чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлардан ташқари);

Жамғарманing вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар; халқаро молия институтлари ва хорижий молия ташкилотлари манбалари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; қўнун ҳўжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредити Дирекцияга 20 йил муддатга, шу жумладан, 5 йиллик илтиўзели даврни ҳисобга олган ҳолда, йиллик фойз ставкаси 6 ойлик LIBOR+3 фойзда ажратилади;

в) Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг жалб қилинадиган кредити ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш Жамғарма тушумлари, туманининг маҳаллий бюджети кўшимча манбалари, етмаган қисмини республика бюджети ҳамда қўнун ҳўжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан амалга оширилади.

4. Белгилансинки:

а) Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

муҳандислик-коммуникация тармоқлари, шу жумладан, йўл, ичимлик ва оқова сув тизими, электр тармоғи инфратузилмаларини яхшилаш, ахборот-телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш;

энергиянинг мўқобил ва қайта тикланадиган манбаларини қўллаган ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни синов тариқасида жорий қилиш асосида ўзига хос экологик тизимни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш;

кўчаларсозлаштириш, яшил ҳудудлар ва паркларни яратиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, ободонлаштириш, атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ замонавий ечимларни жорий этиш;

лоийҳалаштириш ва консалтинг компаниялари, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда бошқарувчи компаниялар хизматлари учун ҳақ тўлаш; тоғли ва олис ҳудудларда туристик инфратузилмани ривожлантириш учун жалб қилинган кредитларни қайтариш, уларнинг фойз ставкаларини қоплаш;

Дирекция фаолиятини молиялаштириш, шу жумладан, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жойлаштириш, асосий воситалар, анжомлар, транспортлар билан таъминлаш; эркин туристик зонанинг Маъмурий кенгаши томонидан белгиланадиган харажатларни қоплаш;

Дирекцияга юклатилган бошқа вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш;

б) Бош вазир ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Жамғарма маблағларини тақсимловчиси ҳисобланади;

в) Жамғарма маблағларининг даромадлар ва харажатлар сметаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланади;

г) Жамғарманing вақтинча бўш турган маблағлари тижорат банклари депозитларига жойлаштирилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, истисно тариқасида, 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб:

туманда лицензия ва рўхсатнома беришдан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва маъмурий ҳўқўқзарликлар учун жаримдан

республика ва вилоят маҳаллий бюджетига тушадиган маблағлар ва бошлар тўлиқлигича туман маҳаллий бюджетига;

туман ҳудудида жойлашган давлат мулкӣ объектларини реализация қилишдан тушадиган маблағлар (баҳолаш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш харажатларидан ташқари), шунингдек, ер участкаларини реализация қилишдан тушадиган маблағлар тўлиқ Жамғармага йўналтирилади.

6. Белгилансинки, туманининг ўзига хос туристик қиёфасини яратиш ва аҳоли турар жойларини замонавий инфратузилма асосида қайта барпо этиш мақсадида мазкур ҳудудда жойлашган аҳоли турар жойларини реконструкция қилиш (бино ташқи фасади ва томларини ўзгартириш, қайта қуриш, туризм хизматларини ривожлантириш учун зарур бўлган асбоб-ускунлар, мебель ва инвентарлар билан жиҳозлаш) учун кредитлар, шу жумладан, Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилади.

7. Алоҳида маъмурий-бошқарув тизими даврида туман ҳокимлиги фаолиятининг самарадорлиги қуйидаги асосий кўрсаткичларни ўз ичига олади:

аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш; илгор хорижий тажрибага асосланган замонавий бошқарув тизимини жорий этиш;

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, шу жумладан, таъмирталаб таълим, тиббиёт ташкилотларини зарур анжомлар, буюмлар, алоқа ва коммуникация воситалари билан таъминлаш;

туман иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши ҳамда маҳсулотлар (хизматлар) экспортини ошириш;

тадбиркорликни ривожлантириш орқали маҳаллий бюджетнинг даромадини кўпайтириш, “хўфидна иқтисодиёт” улушини камайитириш; йўл-транспорт, ташқи муҳандислик-коммуникация тизимларини ривожлантириш, жумладан, ичимлик ва оқова сув тармоқларини куриш ва реконструкция қилиш ҳамда ахборот-телекоммуникация хизматлари сифатини ошириш;

экология ва атроф-муҳитни яхшилаш, шу жумладан, чиқиндиларни замонавий утилизация қилиш тизимини йўлга қўйиш.

Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) бир ой муддатда туман ҳокимлиги фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини (KPI) тасдиқласин.

8. Туман ҳокимлигига қуйидаги қўшимча асосий устувор вазифалар юклансин:

кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлиги ва сифатини ошириш;

хусусий секторда туризмни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий туризм маҳсулотини дунё бозорига кенг тарғиб қилиш;

замонавий туристик инфратузилма объектлари (меҳмонхона мажмуалари, маданий соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар, ресторан ва кафелар ҳамда туристик аҳамиятдаги бошқа объектларда) туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминлаган ҳолда махсус функционал ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини яратиш;

туманининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб этиш ва лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, шу жумладан, туризмни ривожлантириш учун мўлжалланган ер участкаларини зоналар ва лотларга ажратиш ишларини ташкил этиш;

туманининг туристик салоҳиятини ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

туристик инфратузилмани ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш; транспорт логистикасини ривожлантириш, ички ва ташқи йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини оширишни таъминлаш; туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини туманда диверсификация қилинишини таъминлаш;

республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиўжни қаноатлантиришга йўналтирилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантириши таъминловчи туманининг ички туризмни ривожлантириши мувофиқлаштириш; ташриф буюрган туристларнинг хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

энергиянинг мўқобил ва қайта тикланадиган манбаларини қўллаган ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни синов тариқасида жорий қилиш асосида ўзига хос экологик тизимни яратиш;

туманда истиқомат қилувчи аҳолини туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш чораларини кўриш;

туманда ишлаб чиқилган туризм маҳсулотларининг халқаро ва ички туризм бозорларида тарғиб қилинишини таъминлаш, туманининг савҳат ва дам олиш учун хавфсиз ҳудуд сифатидаги имижини мустаҳкамлаш;

халқаро рейтингларга асосан туризмни ривожлантиришга етакчи хорижий мамлакатлар, жумладан, Туркия, Франция, Испания, Швейцария, Япония ва Корея Республикаси каби мамлакатлардан мутахассисларни жалб қилиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этган ҳолда жисмоний тарбия-соғломлаштириш спорт базаларини ҳамда нуфузли халқаро спорт мусобақаларини ўтказишга мўлжалланган ёзги ва қишки спорт объектлари ва иншоотларини барпо этиш чораларини кўриш;

тумандаги спорт базалари ҳамда спорт объектлари ва иншоотларидан самарали

фойдаланилишини таъминлаш, спорт турлари бўйича маҳаллий ва халқаро ўқув-масгулот йиғинларини, шунингдек, нуфузли халқаро спорт мусобақаларини ташкил этиш орқали спорт туризмни ривожлантириш;

оммавий ва профессионал спортни, шу жумладан, ёзги ва қишки спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда спорт тайёрларига жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш;

туристик ва ижтимоий инфратузилма ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, ушбу йўналишга халқаро молия институтлари грантлари ва маблағларини жалб этиш ҳамда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш.

9. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов):

а) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутuvi тумани комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

инвестицияларни, айниқса, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш, туманининг экспорт салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда sanoat, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;

туманда янги туристик ва ижтимоий инфратузилма объектлари, шу жумладан, меҳмонхона, умумий овқатланиш, маданий кўнгилочар макса-налари, дам олиш ва сайил қилиш учун яшил зоналар, парклар сонини кескин кўпайтириш, соҳада янги хизматлар турларини кенгайтириш, транспорт ва логистикани ривожлантириш;

йўл-транспорт, ташқи муҳандислик-коммуникация тизимларини ривожлантириш, жумладан, ичимлик ва оқова сув тармоқларини куриш ва реконструкция қилиш;

туманининг барча ҳудудларида, шу жумладан, тоғли ва олис қишлоқларида ахборот-телекоммуникация тармоқларини куриш, ахборот, алоқа, интернет хизматлари сифатини ошириш;

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳоли турмуш тарзини яхшилаш;

б) илгор хорижий тажрибани ўрганши якунлари бўйича мазкур Фармонда белгилаб берилган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш учун 2020 йил 1 декабрга қадар туманда мутлақо янги ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

10. Қуйидагилар:

туман ҳокимлиги бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 32 нафардан иборат бошқарув аппаратининг янгиланган тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

тумандаги давлат органлари ва ташкилотларининг бўлинмалари бошқарув ходимларининг сони 2-иловага мувофиқ тасдиқласин.

Туман ҳокимига туман ҳокимлиги бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида Дирекция директори таклифига асосан бошқарув аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳўқуқи берилсин.

11. Белгилансинки, Дирекциянинг бошқарув тизимаси, унинг ходимлари чекланган сони, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари ва тартиби эркин туристик зонанинг Ошмурий кенгаши томонидан белгиланади.

12. Туманда амалга ошириладиган ислохотларни мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Спорт ва туризмни ривожлантириш масалаларни котибияти тариқида 3 та штат бирлигидан иборат Тоғли ва олис ҳудудларда туристик инфратузилмани ривожлантириш шўъбаси ташкил қилинсин.

Шўъба штат бирикилари Тошкент вилояти Туризмни ривожлантириш департаментининг 3 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилиши белгилансин.

13. Тошкент вилояти табиатини муҳофаза қилиш, ер ва табиий ресурслардан оқилана фойдаланиш, ҳудуднинг экологик ҳолатини янада яхшилаш ҳамда экотуризмни ривожлантиришга оид қўнун ҳўжатлари ижроси устидан самарали назоратни ташкил этиш ҳамда ер майдонларининг ўзбошимчилик билан эгаллаб олиниши ҳамда ноқонуний объектлар қурилишининг олдини олиш мақсадида:

давлат органларининг штат бирикиларини мақбуллаштириш ҳисобига 10 та штат бирлигини ажратиш орқали Бош прокуратура тизимида Табиатни муҳофаза қилишга оид қўнунчилик ижроси устидан назорат ҳамда ерлардан ноқонуний фойдаланишни бартараф этиш бўйича ихтисослаштирилган прокуратура ташкил этилсин;

Табиатни муҳофаза қилишга оид қўнунчилик ижроси устидан назорат ҳамда ерлардан ноқонуний фойдаланишни бартараф этиш бўйича ихтисослаштирилган прокуратура туман ҳудудида жойлаштирилсин.

14. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 2-иловага мувофиқ давлат бошқаруви органларининг туман бўлинмаларига қўшимча ажратилаётган бошқарув ходимлари, шунингдек, янги ташкил қилинаётган давлат органлари ва ташкилотлари бошқаруви ходимлари сони тегишлича Тошкент вилояти бўйича ҳўқимият, қурилиш, адлия, ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идоралари ҳудудий бўлинмаларининг тегишли штат бирлигини мақбуллаштириш ҳисобидан тўлдирилади.

15. Адлия вазирлиги туман ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда консультантларни жалб қилган ҳолда давлат бошқаруви органлари ваколатларининг функционал таҳлили асосида маъмурий-бошқарув жараёнларни қайта кўриб

чиқиш ва давлат хизматларини кўрсатиш ишларининг самарадорлигини оширишни назарда тутuvi тумандаги бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Туман ҳудудида атроф-муҳитни ифлослантирадиган зарарли sanoat корхоналарини барпо этиш қатъиян ман этилсин.

17. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

икки ой муддатда туман ҳудудидаги жисмоний ва юридик шахсларга тегишли кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларини тўлиқ хатловдан ўтказин ҳамда уларнинг электрон маълумотлар базасини янгилаш чораларини кўрсин;

бир ой муддатда Қу

Фахр

## Юксак ишончга муносиблик масъулияти мени доим олға интилишга ундайди



**Олим САФАРОВ,**  
"Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси Термиз шаҳри филиали раҳбари:

— Президентимиз фармонида биноан, "Мард ўғлон" давлат мукофотида лойиқ кўрилганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Чунки кўп йиллардан буён турли тadbир ва кўрик-танловларда қатнашиб, мамлакатимизда иқтидорли, изланувчан, ташаббускор ёшлар кўплигига ишонч ҳосил қилганман. Мана шу тенгурларим

орасида сараланганлардан бири бўлиш менга чинакам ифтихор бағишлади. Болаликдан тadbиркорликка бўлган қизиқишим ҳаётимни шу соҳа билан боғлашга туртки бўлди. Турли ташкилот ва муассасалар томонидан ўтказилган, ишбилармонлик кўникмасини оширишга кўмаклашувчи лойиҳалар, ўқув семинарларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилдим. Бу борада юртимизда ёшларнинг тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган сазй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этди. Изланишларим самараси туфайли 2013-2018 йилларда "SURXON OSHPAZI" МЧЖ раҳбари вазифасида фаолият юритиб, 64 нафар тенгдошимни доимий ва мавсумий иш билан таъминладим. Кўп ўтмай, интилишларим ўз самарасини берди. 2016 йили "Ёш тadbиркор — юртга мададкор" танловининг вилоят ва республика босқичларида ғолиб бўлдим. Орадан икки йил ўтиб, Президентимиз соврини учун тadbиркорлар, фермерлар ва ҳўнармандлар ўртасида ўтказилган "Ташаббус-2018" кўрик-танловининг Термиз шаҳри босқичида 2-ўринга муносиб кўрилдим.

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига таширифида белгилаб берган вазифалар ижроси юзасидан Термиз шаҳрида 10 та "Ақлли бекат" ташкил этиш ва янада кўпроқ иш ўринларини очиб бўйича сазй-ҳаракатларни давом эттиряпман. Катта ёшли авлод вакиллари билан суҳбатлашганимда, улар ишбилармонлик учун яратилган ҳозирги шарт-шароитларни юқори баҳолайди. Айниқса, юртимизда ёшларнинг тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари очиб беришга қаратилган сазй-ҳаракатлар алоҳида эътиборга молик. Биргина "Yoshlar — kelajagimiz" давлат дастури доирасида ёш ишбилармонларга фаолиятини йўлга қўйиш ёки ривожлантириш учун маблағ ажратилаётгани жуда катта гап. Бунинг устига, ажратилаётган маблағ суммаси ва тadbиркорликка қизиқаётганлар сони йил сайин ошиб бормоқда. Масалан, 2018 йили Термиз шаҳридаги 45 нафар ёшга 2,374 миллион сўм, 2019 йили 75 нафар ёшга 28,493 миллион сўм, 2020

йилнинг ўтган даврида 18 нафар лойиҳа эгасига 4,56 миллион сўм имтиёзли кредит тақдим этилди. Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 27 июндаги "Yoshlar — kelajagimiz" давлат дастури тўғрисидаги фармонига мувофиқ, Термиз шаҳридаги 10 нафар ёшнинг "Ёшлар меҳнат гузари", коворкинг маркази, китоб дўконлари куриши учун шаҳар ҳудудидан ер ажратилишида кўмаклашилмоқда. "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси бизнес ғояларга бой йигит-қизларнинг имтиёзли кредит олишига кўмаклашиш билан бирга, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан ҳам ёрдам бермоқда. Бизнес режаларинг мамлакатимиз иқтисодиётига наф келтирадиган фаолият турига айланишига ҳисса қўшапти. Бу кизгин жараёнда мен ҳам иштирок этаётганимдан фахрланаман. "Мард ўғлон" давлат мукофоти мана шу йўлда ва келгусида ишбилармонликка доир лойиҳаларини амалга оширишда зим-ҳисса юкланган олижаноб вазифани эслаб туради. Мени доим олға интилишга, билдирилган юксак ишонччи оқлашга ундайди.

## Эҳтиёжманд оилаларга улашилган қувонч

Буғун барчани ташвишга солаётган коронавирус пандемияси шароитида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим қисмига айланди. Президентимиз фармон ва қарорлари асосида кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга кўрсатилган тизимли ёрдамлардан фўқароларнинг кўнагли тоғдек кўтарилди, ўзининг давлат ҳимоясида жанини хис этаётгани айна ҳақиқат. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 26 августдаги "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарори ҳам яна минглаб оилаларга қувонч улашади.



**Шаҳобиддин ДАВЛАТОВ,**  
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги департаменти бош мутахассиси:

— 2020 йилга келиб, камбағалликни қисқартириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу билан бирга, бугунга қадар бизда камбағалликни қисқартириш бўйича зарур чора-тadbирларнинг йўқлиги, фундаментал асосларимиз етарли эмаслиги, борлари ҳам талабларга жавоб бермаслиги кўзга ташланиб қолди. Ана шу камчиликларни бартараф этиш мақсадида ташкил этилган Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг асосий фаолият йўналишлари, аввало, аҳоли орасида камбағалликни қисқартириш ва фўқароларнинг турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилди. Президентимизнинг "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарорини бу борадаги фаол ишларнинг узвий давоми сифатида кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича юритилаётган "темир дафтар"га меҳнатга лаёқатсиз,

ногирон ёки сурункали касалликлари бўлган аъзолари бор, яққа-ёлғиз, бева, ўзгалар парваршига муҳтож фўқаролар, 5 ва ундан кўп фарзанди бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, коронавирус пандемияси даврида доимий даромад манбаидан маҳрум бўлган ҳамда ҳақиқатан эҳтиёжманд, ночор ва моддий кўмакка муҳтож оилалар киритилиши белгиланган. Айни вақтда "темир дафтар" рўйхатига республикамиз бўйича 409 мингта оила киритилган бўлиб, улардаги оила аъзолар сони 1 миллион 726 минг кишини ташкил қилади. Ушбу оилалардаги ишсизлар сони эса 396 минг кишидан иборат. Йил охиригача тегишли дастурлар доирасида уларнинг бандлиги ва доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш кўзда тутилган.

Президентимизнинг 2020 йил 30 июлдаги "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги фармони доирасида кам таъминланган аҳоли қатламига кенг қўламли моддий ёрдам кўрсатилган эди. Жараёнинг биринчи босқичида 182 минг оилага жами 154 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, иккинчи босқичида 263 миллиард сўм маблағ ўзгаларига етказилди. Юқорида қўбул қилинган қарор билан эса ана шу кам таъминланган, эҳтиёжманд, "темир дафтар"га кирган оилаларнинг вояга етмаган фарзандлари ҳамда ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган 16 ёшгача бўлган ёшларнинг ҳар бирига 500 минг сўмдан пул ажратиш белгилаш билан боғлиқ мақсадлар ҳам ташкил қилиниши мумкин. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича юритилаётган "темир дафтар"га меҳнатга лаёқатсиз,

## Қалбим ғурурга тўлди



**Памир СЕРЖАНОВ,**  
"Oralbay Nukus" оилавий корхонаси раҳбари:

— Ёшлар — битмас-туганмас ғоялар манбаи. Айниқса, уларнинг ғайрат-шижоати барча соҳа равнақи, гуллаб-яшнаши учун жуда муҳим. Тadbиркорликни йўлга қўйиш учун эса ғоя ва шижоат сув ва ҳаводек зарур. Бугун мамлакатимизда мана шу икки муҳим омилни ўзида мужассам этган, интилувчан йигит-қизларнинг тadbиркорлик фаолиятига қўшилаётгани ишбилармонлик муҳитига янги нафас, янги рух олиб киряпти. Ҳар йили ўтказиладиган кўргазмаларда тadbиркор тенгурларим ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўриб, руҳланаман. Мана шу йигит-қизларни ва улар қатори мени қўллаб-қувватлаётган, рағбатлантираётган инсонлардан миннатдор бўламан.

таъминлаб, аҳоли учун темир эшик ва дарвозалар ишлаб чиқаряпмиз. Айни пайтда ҳар ойда юзтагача маҳсулот сотамиз. Юртимиздаги кизгин курилишлар, ватандошларимизнинг фаровонлиги ошиб, замонавий ва ҳавфсиз яшашга интилаётгани туфайли буюртмачиларимиз кўпаймоқда. Маҳсулотларимиз турли кўргазмаларда ҳам муносиб эътироф топмоқда. Жумладан, 2016 йили Республика ёш тadbиркорларининг бизнес форуми, "Ёш тadbиркор — юртга мададкор" кўрик-танловининг ҳудудий ва мамлакат босқичида ғолибликни қўлга киритдим. Кейинги йили Президент соврини учун ўтказилган "Ташаббус-2017" кўрик-танловининг шаҳар ва республика босқичларида фахрли ўринларни эгалладим. Турли давлат ва нодавлат ташкилотларнинг тadbиркорлик истиқболларига

бағишланган семинар ва форумларида қатнашиб, сертификатлар олдим. Президентимиз фармонида мувофиқ, "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланганим ҳақидаги хабар ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди. Хушхабарни эшитиб, қалбим ғурурга тўлди, ўзимда катта куч, рағбат сездим. Интилишим беҳуда кетмаётганини, ишимни кузатиб турган зийрак нигоҳлар борлигини билиб, хурсанд бўлдим. Шу пайтгача дунёнинг бирор давлатида ёшлар учун таъсис этилган махсус давлат мукофоти борлиги ҳақида эшитган эмасман. Бизнинг мамлакатимизда ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун ҳамма зарур имконий тавмул. Мана шу қўлайликлардан фойдаланаётган ёш тadbиркорлардан бири сифатида юртимиз иқтисодиётига, халқимизга кўпроқ фойдам тегишини истаётман. Бу бўйича бизнес режаларим бор ва келгусида уларни босқичма-босқич амалга ошираман.

Қулайлик

## МЎЙНОҚ АЭРОПОРТИГА ЯНА САМОЛЁТ ҚЎНДИ

### Рамзий маънода у ўз қанотларида қувонч ва бахт олиб келди

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Мўйноқ аҳли тарих варақларида муҳрлини қоладиган катта янгиликнинг ғувоҳи бўлди. Куни кеча, истиқлолимизнинг 29 йиллиги арафасида Мўйноқ шаҳрида курилган янги аэропортга биринчи йўловчи самолёт — "А-320" келиб қўнди. Тошкент — Мўйноқ йўналиши бўйича йўловчиларни олиб келган самолёт рейси сони тарихида амалга оширилди.



қуриш ишлари Автомобиль йўллари кўмитаси томонидан бажарилди, — дейди Мўйноқ тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори Юсуф Ер-назаров. — Лойиҳанинг умумий қиймати 300 миллиард сўм бўлиб, объектнинг 2,3 километр узунлиқдаги учиб-қўниш, ҳаракатланиш йўлакларини ва перронини қуриш учун 100,9 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган. Шунингдек, янги терминал биносини қуриш ва аэропорт атрофини ўраш ишлари "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан

амалга оширилмоқда. Мазкур АЖ маблаглари ҳисобидан аэропорт чегарасига 9 километр узунлиқдаги тўсиқлар ўрнатилиши ва 50 та йўловчига мўлжалланган терминал қуриш ишларига 16 миллиард сўм ажратилган. Ҳозирга қадар объектнинг фасад қисми, том қисми тўлиқ битказилган. Мўйноқ аэропортига шунча йилдан сўнг илк самолёт кўниши муносабати билан йиғилган халқ вакиллари яхши тиллақлар билдирди. Маданият ходимлари ўз концерт дастурларини намойиш этиб, аҳоли қувончига-қувонч қўшди.



**Нодир МУСЛИТДИНОВ,**  
Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Пандемия даврида давлат иқтисодиёти ўсиш суръатларининг пайсийи бюджет даромадларига ҳам таъсир кўрсатяпти. Иқтисодий кўрсаткичларнинг секинлашиши сабабларидан бири, албатта, аҳолининг молиявий даромадлари пайсийи билан ҳам боғлиқ. Пандемия шароитида, айниқса, кам таъминланган ва эҳтиёжманд аҳоли қатламлари янада қийин ахволда қолди. Ҳозирги кунда мактаб ўқувчиларини онлайн ёки офлайн ўқитиш масаласи кўриб чиқилаётган бир вақтда қўллаб оилаларни ўқувчиларнинг мактабга тайёргарлик қўриши, уларга кийим-кечак, ўқув қуроллари сотиб олиш билан боғлиқ масалалар ҳам ташвишга солади. Шу нуқтаи назардан,

давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарори кам таъминланган оилалар учун катта кўмак бўлади.

Қарорга мувофиқ, биринчи навбатда, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган ва "темир дафтар"га киритилган, яъни эҳтиёжманд оилаларнинг 16 ёшгача бўлган ҳар бир боласига 500 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилади. Бу болалар сони 800 мингдан ортиқ бўлиб, ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан 400 миллиард сўм атрофида маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Яна бир томони борки, ҳозир карантин қоидалари енгилашди. Тиббиёт муассасалари ишлаяпти. Мактаблар, бечалар очилиши режалаштирилган. Демак, жараёнда мазкур ташкилотлар ходимларини муҳофазга қилиш зарурати юзага келади. Боси, улар ҳар кун иезлаб одамлар билан мулоқот қилади ва касалликни юқтириш хавфи юқори бўлгани сабабли фронт ортида хизмат қиляпти, десак муболаға бўлмайдими. Шу нуқтаи назардан, қарорда мактабга таълим, умумий ўрта таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш ходимларини марказлашган тартибда сентябрь ва октябрь ойларида гриппга қарши бепул эмлаш белгиланди. Бу харажатларнинг бари бюджет маблағлари ҳисобидан қўланади. Эмланадиган ходимлар сони 1,5 миллион атрофида ва уларга 60 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутиляпти.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди

- ✓ моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига ("темир дафтар") киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига;
- ✓ боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига;
- ✓ ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болаларга.
- ✓ Бир марталик моддий ёрдам миқдори ҳар бир 16 ёшга тўлмаган бола учун 500 минг сўм этиб белгиланди.

Қарорга кўра, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатини давом эттириш ҳамда моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг болаларини қишки кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг сентябрь ойида аҳолининг қуйидаги қатламларига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади:

Қарорга мувофиқ, республикадаги барча бошланғич, умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимлари марказлашган тартибда 2020 йил 1 октябрга қадар бепул гриппга қарши эмланади.

Ҳуқуқий ахборот телеграм канали маълумотлари асосида тайёрланди.

